



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

Nº 1 / 2021

20
BIZ
2000 – 2020
YOSH DAMIZ!

Уибӯ сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Сидқий Хондайлиқийнинг хаттотлик ва муҳрканлик фаолияти.....	3
Отабек МУҲАММАДИЕВ. “Лубобул Калом” асарида Аллоҳга жиҳат ва маконни нисбат бериш масаласи.....	4

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Ҳакима САЛОМОВА. Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий.....	7
Жамолиддин ЖЎРАЕВ. Алишер Навоий асарларида қўлланилган поэтик деталлар.....	9
Замирахон ИСАҚОВА. Ориф, ирфон ва маърифат муштараклиги.....	10
Суннатилло РАҲМОНОВ. Нақшбандия ва Мавлавия тариқатлари: умумийлик ва хусусийлик.....	13
Машраб ХИДИРОВ. Тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий асарларининг ўрни.....	16
Абдувоси ФАНИЕВ. Аллома Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш Шариънинг ҳаёти ва илмий мероси.....	18
Гўзал САЛИМОВА. Абдураҳмон Самарқандийнинг «Абу Лайс ҳикматлари» асаридаги баҳс-мунозара юритиш одобининг ахлоқий жиҳатлари.....	20
Малика НОРОВА. Сайфиддин Боҳарзий рубоййларида ахлоқий ва маънавий фазилатларнинг акс этиши...	22
Отабек БАХРИЕВ. Имом Бухорий фикҳ борасида таянган далиллар.....	25
Гавҳар ИСТАМОВА. “Насойимул муҳаббат”да Робиа Адавия сиймоси.....	27
Ойбек РАШИДОВ. Большевикларнинг Ўзбекистондаги таълим тизими ва мамлакатимиз зиёлиларига қарши мафкуравий кураши.....	29
Баҳодиржон АЗАМОВ. Куръон, ҳадис ва ҳикматлардаги масалларни бадиий услубда баён қилган мўътабар манба.....	32
Зарина ҲИММАТОВА. Сўфи Оллоҳёр асарларида устознинг улуғлиги ҳақида.....	34
Абдувоҳид НУРИДДИНОВ. Бобур ва Маҳдуми Аъзам.....	36
Зафар ФАҲРИДДИНОВ. Ҳаким Термизийнинг “Таҳсил назоирин Куръон” асари борасидаги замонавий тадқиқотлар.....	38

НОДИР МАНБАЛАР

Усмонхон МУҲАММАДИЕВ. “Таъвилотул Куръон” қўлёзмалари ва уларнинг тадқиқ этилиши.....	41
Сарвар САИДОВ. Ибн Муқаффа асарларида ислоҳотчилик ғоялари.....	43
Абдушукуржон МУРАТОВ. Умар Насафийнинг тафсир илмига оид илмий мероси ва “Тайсир фи Тафсир” асарининг юртимиз фонdlарида сақлананаётган нусхалари.....	45
Саодат ҲАМРОЕВА, Фируза ШИРИНОВА. Хожагон таълимотининг манбалар ёрдамидаги таҳлили.....	46

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Зоҳид МАДРАҲИМОВ, Фазлиддин МАМАСИДИҚОВ. Қўқон хонлигига савдо муносабатлари.....	48
Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ. Мамлакатимизда дастлабки мадрасалар вужудга келишининг шарт-шароитлари..	51
Зухра АРИПОВА. Мамлукларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги: Султон Зоҳир Бейбарс даври (1260-1277).....	53
Зилола САФАРОВА. Тинчлик бебаҳо, хотира муқаддас.....	56
Сайёра ТУРАЕВА. Бухоро хонлигига тоғ-кон ишлари тарихи.....	58
Ойбек ҚЛИЧЕВ. Дипломатик муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси.....	60
Алишер ИСМАИЛОВ. IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан юксалишининг асосий хусусиятлари.....	63
Bobir IMAMOV. Historical stages of diplomatic relations between Uzbekistan and Turkey (1991-2019 years.)...	65
Л.Т. ХАСАНОВА, Т.Р. ЭРНАЗАРОВ. Культурное наследие Узбекистана – на золотых страницах истории.....	68
Хушнудбек МАМАДАЛИЕВ. Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари).....	69
Хуршида АШУРОВА. Особенности социально-политических идей джадидов Самарканда.....	71
Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Самарқанд зиёрат туризмининг ривожланишида табаррук қадамжоларнинг ўрни....	73
Ўқтам БЕРДИЕВ. Тарих фани предмети, тарих фанларининг туркумланиши ва тарихий билишда фанлараро алоқадорликлар.....	75
Umidjon BAQOYEV. Buxoro amirining Shirbudun saroyi.....	78

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Умиджон ҚЎШАЕВ. Диний тоқатлилик ва бағрикенглик: Уйғунлик ва ўзига хослик.....	80
نصرالدین بن محمد بیکوف. حکم الإسلام في إجارة الأرحام	82

Маъмуржон ЭРКАЕВ. Ислом ҳуқуқида ижаранинг мазмун моҳияти.....	85
Санжар МУРОДОВ. Футувват – гўзал ахлоқ тимсоли.....	87
Марғуба ҚУРБОНОВА. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асарида тарбия масалалари.....	88
Исмаил ХАУТИЕВ. Передача награды за благие дела усопшим.....	90
91.....	نورالدین بن أبي بکر صولویف. حکم العمليات الجراحية التجميلية للوجه في الإسلام
Мухиддин АЛЛАНАЗАРОВ. Таботабоийнинг ислом тафаккури тарихидаги ўрни.....	93

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Актамқул САМАДОВ, Отабек МАХАММАТОВ. Глобал медиаоламнинг ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигига таъсирини баҳолаш.....	95
Моҳира АБДУЛЛАЕВА. Интернетда терроризмнинг намоён бўлиш шакллари.....	97

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Соҳиба ЯЗДОНОВА, Жанибек ТАНИҚУЛОВ. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда педагогик-дидактик усууларнинг роли.....	99
Фотима ПРИМОВА. Маданиятли инсонни тарбиялаш – муҳим маънавий-маърифий вазифа.....	100
Ойбек СИРОЖОВ. Глобаллашув шароитида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик зарурияти.....	102
Фарруҳ УСМОНОВ. Фан этикасида олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти.....	104
Жавлон ҚУЧҚОРОВ. Тарихни диалектик маданий тушуниш миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг методологик асоси сифатида.....	105
Моҳира МИРЗАЕВА. Буюк Ипак йўлининг Шарқ ва Ғарб ижтимоий-маданий, диний алоқалари интеграциялашувидаги аҳамияти.....	108
Фарҳоджон БОЙМАТОВ. Туризмнинг миллатлараро ижтимоий коммуникация жараёнида тутган ўрни....	110
Азиза ЭГАМБЕРДИЕВА. Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши.....	112
Акбар САФАРОВ. Миллий тараққиётимиз ва янгиланишларнинг концептуал асоси.....	114
Жонибек БОЙСУНОВ. Маънавий маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.....	114
Нурмуҳаммад ҚАРШИЕВ. Сиёсий партияларнинг демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим сиёсий институт сифатидаги аҳамияти.....	118
Хонзода МАДАЛИЕВА. Муқаддаслик категорияси ва унинг тарихий-ретроспектив ривожи.....	121
Элёр АЛИМКУЛОВ. Ўзбекистон ҳудудида илк мозий эътиқодлар билан боғлик диний-мистик рамзлар (диний эътиқодлар узвийлиги ва дуализм кўринишлари мисолида).....	123

ФАЛСАФИЙ МУШОҲДАЛАР

Бахтиёр ТУРАЕВ. Вақтнинг онтологик моҳияти ҳақида икки мақола.....	125
Комил ҲАЙДАРОВ. Нақшбандийлик фалсафасининг маънавий қадриятлар такомилига таъсири.....	127
Сойибназар КАРИМОВ. Кубровийлик тариқатининг фалсафий асослари.....	129
Ҳакимбек ЁРҚУЛОВ. Абу Ҳомид Фаззолийнинг гносеологик қарапашлари.....	132
Феруза БОЗАРОВА. Иммануил Кант трансцендентал эстетикаси.....	134
Ш.А. НАМАЗОВА. Социально-философские аспекты узбекской музыкальной культуры в эпоху Третьего Ренессанса.....	137
Сарвар АБДУЛЛАЕВ. Инсон эркинлиги категорияси ва унинг асослари ва кафолатлари (ҳуқуқий, фалсафий ва диний қарапашлар уйғунлиги).....	138
Махсуд ТОШБОБОЕВ. Сунъий интеллектнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: тадқиқий йўналишлар таснифи.....	141
Умида НУРМАТОВА. Мутолаа – билиш предмети сифатида.....	142
Нафиса ЭГАМБЕРДИЕВА. Алишер Навоийнинг эстетик меросида миллий ғоя масалаларининг фалсафий таҳлили.....	144

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Сардорбек МИРЗАХАЛОВ. Ёшларни иш билан таъминлашда тадбиркорлик фаолиятининг ўрни (Фарғона вилояти мисолида).....	147
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Д.И. ВАСИЕВА. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.....	149
-----------------------------------------------------------------------------------	-----

Шамс Табризий:
“Мен қанча дўстларни кўрдим, лекин тилни тишишдан афзалроқ дўст кўрмадим.

Не молларни кўрдим, аммо қаноатдан афзалроқ мол кўрмадим.

Қанчадан қанча яхшиликларни кўрдим, аммо насиҳатдан яхшироғини учратмадим.

Қанчадан қанча таомларни кўрдим, сабрдан лаззатлироғини учратмадим”.

Ўз-ўзини билиш, табиат ва инсон борлиғи меъёрларни билиш мантиқий боғлиқликда содда ва равон иборалар орқали ифодалангани кишини ҳайратга солади. Буларни англаб, ўқиб-ўрганиб инсон оламда яшаш қонун-қоидаларини ўрганади.

Аёл ҳақида:

Партави*** Ҳақдир аёл, маъшуқ эмас,
Мисли Холикдир**** аёл, маҳлук эмас[5: 195].

Жалолиддин Румий

Жалолиддин Румий учун инсон – олий мавжудот. Аёлми, эркакми бари хурмат, муҳаббатга лойик. Мавлононинг яна бир буюклик томони шундаки, у бир марта инсон қалби муҳаббатга тўлади ва бир марта уйланиш лозим, деган позицияда туради. Унинг учун “Аёл – Ҳақ нури, гўзалик ва латофат, садоқат тимсоли, у шунчаки маъшуқа эмас... айни Яратувчи, яратилиш эмас”. Муҳаббат ёмон феъллардан покланиш, яхши ва гўзал хуљларни ўзида мужассамлаштириш, қалбни, руҳни камол топтириш шундан сўнгина севги-

лисига яқинлашишдир, деб билади Мавлоно Румий.

Шамс Табризий эса аёлни инсон нафаси каби азиз, доимий зарурият, ҳаммага бирдек қадрли, деб билади ва уларга ўзгача бир эҳтиром ила қарайди.

“Аёл билганга нафас, билмаганга нафсdir”.

Шамс Табризий

Инсонни севиб улуғлаган икки аллома учун илм, маърифат, инсонийлик ва унга етишиш умр мазмуни саналган. “Илмни севган инсонни яхши фазилатлар қуршаб олади. Олимлар даврасида бўлинг, ҳурматтолосиз. Дунё сизни сарик чақасиз қолдирганида ҳам илм ўрганиш пайида бўлинг. Илм сизни тўғри йўлга бошлайди, душманингизни ожиз қиласи, ниятларингизга етказади. Аллоҳ илм билан Ўзининг ризосини истаган кишига юз буради ва марҳаматини аямайди.”*****

Шамс Табризийнинг 40-олтин қоидасидаги 23-қоида.

1248 йилда Шамс Табризий “сирили равишда” ғойиб бўлади. У киши айни ўша пайт 63 ёшда эди. Баъзи маълумотларга кўра, бу буюк инсонни ёвуз нияти душманлари қудуққа ташлаб, ўлдирган. Жалолиддин Румий бу маънавий ўқотиши факат илм дунёсида ғарқ бўлиши билан енгиди. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, у дўсти сиймосини ўзида кўрди.

Аслида бу икки дўст, икки мутафаккир ўзининг ноёб ва бой маънавий мероси каби инсонлар қалбida доимо қолади. Уларнинг маънавий оламидаги жавоҳирлар билан танишаркансиз, ўзингизни англаб бораверасиз, камолот томон юз туватверасиз.

*** Партаф – нур, ёғду, шуъла;

**** Холик – яратувчи, тангри;

***** Шамси Тебризи. Маколот. – Тегеран, 1349 х.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Данилченко Р.Н. и др. Основы философии // Под.редак. В.М. Мопельман и Е.М.Ренскова. – М.: Приор, 1997.
2. Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. – Т.: Фан. 2007.
3. Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаметых философов. – М.: 1986.
4. Румий Жалолиддин. Ҳикматлар. Тўплаб нашрага тайёрловчи Эргаш Очилов. – Т.: 2008. Шарқ.
5. Мавлоно. Маснавий. Туркча таржима. 3-жилд. – Истанбул. 1990. 1-жилд.

◆ **Аннотация:** Ушбу мақола Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий маърифий-фалсафий қараашларининг қиёсий таҳлилига бағишиланган. **Таянч сўзлар:** илм, комил инсон, ҳад, ўз-ўзини англаш, аёл.

◆ **Annotation:** This article is devoted to comparative analysis of cultural-philosophical views of thinkers Shams Tabrizy and Jaloliddin Rumi. **Key words:** science, ideal personality, limit, self-awareness, woman.

◆ **Аннотация:** Статья посвящена сравнительному анализу просветительских и философских взглядов Шамса Тебризи и Джалалиддина Руми. **Ключевые слова:** наука, идеальная личность, предел, самосознание, женщина.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ПОЭТИК ДЕТАЛЛАР

ЖАМОЛИДДИН ЖЎРАЕВ

Жиззах давлат педагогика

институти доценти,

филология фанлари номзоди

Алишер Навоий ҳалқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгисиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. “Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва этиқод билан қарамаса” [1: 45], деган эди, Биринчи Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида.

Сўнгги йилларда Алишер Навоий асарларини матний, фалсафи, лисоний ва бадиий жиҳатдан ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилинган бўлса-да, шоир ижодининг услубий ўзига хослигини кўрсатувчи лингвистик омилларни тадқиқ этиш эндиғина бошланди. Чунончи, шоир асарларида иш куроллари номларини бевосита бадиий услуг билин боғлиқ ҳолда ўрганиш навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг сўз қўллаш санъатини теран тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очади.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадиий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларида иш куроллари ва асбоблигига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Маълумки, иш қуроллари ва асбоб номлари араб тили грамматикаси қоидасида مفعول “мифъал”, مفعلة “мифъалат”, مفعلاً “мифъоль” қолипидан ҳосил қилинади. Масалан, аслида “барода” – эговламоқ феълини “мифъаль қолипида айтилса “мифрад” – эгов сўзи ясалади ёки “тароқа” – тақиллатмоқ феълини “мифъалат” вазнида айтилса “митрақат” – болға сўзи ясалади. Алишер Навоий ғазалларида ҳам ана шундай қолипда ясалган иш қуроллари номлари ишлатилганини кутишишимиз мумкин.

Ройиха жаннати аъло ҳам ул,

Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул [6:63].

Байтидаги مصباح “мисбоҳ” аслида “сабаҳа” – тонгда келмоқ, эрталаб турмоқ феълидан олинган бўлиб, бу ерда чироқ маъ-

носини билдиради.

Лаълинг ул ўтки, кўнгул мижмар анга,

Ё кўнгул дуржу лабинг гавҳар анга [5: 11].

Байтдаги **“мижмар”** – “жаммара” феълидан олинган бўлиб, ёниб турган кўмир чўғида қовуриш маъносини билдиради. “Мижмар” – манқал, манқалдон, кўра, тутатқи солинадиган идиши, исириқдан каби маъноларни билдиради.

Оразинг хуснин фузун қилған хилолий қош эрур,

Ёхуд ул ой шамъини ёртқали минқош эрур [4:120].

Бу байтдаги **“минқош”** – “нақаша” ўймакорлик усули билан нақш солмоқ феълидан олинган бўлиб, “минқош” эса наққошнинг кескичи, кесиш (йўниш) асбоби; ҳайкалтарош қалами; тош болта, тош пичоқ каби иш қуроли маъноларни билдиради.

Бўлди чу мистар хатиға туз рақам,

Бошини олмас рақамдин қалам [6: 180].

Ушбу байтдаги **“мистар”** – “сатара” феълидан олиниб, сатр, чизик, чизмоқ феълидан олиниб, байтдаги “мистар” – чизғич маъносида.

Жилаи хусн ўлғали зоҳир анга,

Бўлди бу миръот мазоҳир анга [6:15].

Байтдаги **“миръот”** – “роъя” кўрмок, сезмок, пайқамок, феълидан олиниб, “миръот” – ойна, кўзгу; софлик, тозалик, кўнгил каби мажозий маъноларни ҳам ифодалайди.

Камоли кудратингдин хирад ул навъ бўлуб лол,

Ки ҳайратдин ҳамиша қилиб исбайни мисвок [2: 278].

Байтдаги **“мисвок”** – “сака” (савқ) тозалаш, артиш феълидан олинган. Байтдаги мисвок тиши тозалайдиган (бўйи бир қарич, йўғонлиги бармоқча, пўстлоқчи ёғоч) асбоб маъносида.

Икки бармоқчи тутар сиймни миқроз киби,

Фақр торин доғи қатъ этгучидур ул миқроз [2: 237].

Байтдаги **“миқроз”** – “қороза” кесмок, ўтириламок, чархламоқ маъноларини англатувчи феълдан олиниб, миқроз бу ерда қайчи маъносида келган.

Фикрати мизони бўлуб ҳамсасанж,

“Хамса” дема, балки дегил панж ганж [6:41].

Бу байтдаги **“мизон”** – “вазана” тарозида ўлчамок, таққосламоқ феълидан олиниб, мизон эса тарози маъносини ифодалайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: 2008
2. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 2-жилд. Наводир унниҳоя. –Т.: 1987.
3. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 3-том. Хазойин улмаоний. Фаройиб ус-сиғар. –Т.: Фан, 1988.
4. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 4-том Хазойин улмаоний. Наводир уш-шабоб. –Т.: Фан, 1989.
5. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 6-том. Хазойин улмаоний. Фавойид ул-кибар. –Т.: Фан, 1990.

♦ **Аннотация:** Ушбу маколада Алишер Навоий асарларида кўлланилган иш қуроллари номларига оид арабча сўзлар таҳлил қилинган. Улардан шоир асарлари бадиий бўёқдорлигини ошириши билан бирга, турли хил луғавий ва услубий-семантик функцияларни бажартириш орқали фойдаланган. **Таянч сўзлар:** болға, эгов, пичоқ, қалам, сатр, қайчи, тарози, миллий, чироқ, сўз, шахс.

♦ **Annotation:** In this article the Arabic words used in the works of Alisher Navoi. From them it can be seen that various lexical and stylistic-semantic functions were performed in connection with the poet's artistic intention. **Key words:** hammer, knife, handle, fishing line, scissors, scales, national, lamp, word, personality.

♦ **Аннотация:** В этой статье рассматриваются арабские слова, названия инструментов, которых использовал Алишер Навои в своих произведениях. Из них можно увидеть как использовал поэт художественных целях разные слова в их методико-семантический функции. **Ключевые слова:** молоток, нож, ручка, леска, ножницы, весы, национальный, светильник, слово, личность.

ОРИФ, ИРФОН ВА МАЪРИФАТ МУШТАРАКЛИГИ

Тасаввуф таълимотида ориф, ирфон ва маърифат ҳакидаги қарашлар идрок, билим, ахлоқ, қалб, ҳикмат орқали ифодаланган. Илоҳий маърифат соҳиби бўлган ориф истеъододини ишга солиши натижасида маърифат, зийраклик, латофат, зарофат, фаросат, гўзал ахлоқ каби фазилатларга эришган. Ориф ахлоқи камолотга етганда илоҳий нур хафиғ ва яширин ҳолда порлаб, “вусул” (илоҳий боғланиш) вужудга келган. Бу мақомда ориф ҳар бир яратилган нарсада Ҳақни кўра бошлади.

Хазина калидин бу бир келтуруб,

Яна қалъа мифтоҳин ул топшуруб [8: 177].

Байтдаги **“мифтоҳ”** – “фатаҳа” очмоқ феълидан олинган, “мифтоҳ” эса калит маъносини билдиради.

Мунингдек тийр ила ҳар бодбони,

Сирехри атласу миҳвар нишони [7: 169].

Байтдаги **“миҳвар”** – айланадиган нарсаларнинг ўқи, ер ўқи, фидирак ўқи, ўзак, мағиз каби маъноларни билдиради. Кет фараҳқим, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума Юз туман мисмормир бирла устувор этти фироқ [3: 209].

Байтдаги **“мисморм”** – “самора” михламоқ, қоқмоқ феълидан олиниб, мих, қозик, пона каби иш қуроллари маъносини ифодалайди.

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,

Минг бўлур бир дирамга бир мисқол [9: 6].

Байтдаги **“мисқол”** – “сақала” оғир бўлмок, юк бўлиб тушмоқ феълидан олинган, оғирлик ўлчови (тахминан 4, 68гр) тарози тоши маъносини билдиради.

Бир кун қаламни миҳбарадин чиқардим [10: 121].

Жумладаги **“миҳбара”** – хиброн сиёҳ сўзидан олиниб, бу ерда сиёҳдон маъносини ифодалайди.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кўнглум наво,

Гўйёж жон риштасиға тегди мизроби анинг [4: 211].

Байтдаги **“мизроб”** – “зараба” урмоқ феълидан олинган бўлиб, камонч, камон; мусиқа чолғуси камончаси; чалғи (юнг титадиган камалаксимон асбоб) маъносини билдиради.

Юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумкинки, Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номларига оид сўзлар кўп кўлланган бўлиб, улар шоирнинг бадиий нияти билан боғлиқ ҳолда турли хил луғавий-маъновий ва услубий-семантик функцияларни бажарган. Бадиий контекст доирасида кўлланган ҳар бир иш қуроли номлари муайян семантик функцияни адо этувчи поэтик деталь хисобланади.

Хулоса шуки, буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номлари туркӣ, форсий тиллар билан бирга арабча мифъал қолипида ҳам ҳосил қилинган. Бундай сўзларнинг кўлланиши шоир асарлари бадиияти, бўёқдорлигини янада оширган ва ўкувчи учун қизиқарли бўлишини мукаммал таъминлаган.

6. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 7-том. Хайратулаббор. –Т.: Фан, 1991.

7. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Фарход ва Ширин. –Т.: Фан, 1992.

8. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 11-том. Садди Искандарий. –Т.: Фан, 1993.

9. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Ўн олтинчи жилд. Муҳокамат ул-луғатайн. –Т.: 2000.

10. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат –Т.: Фан, 1992.

11. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997.

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

Наманган давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди